



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 11 октябрь, пайшанба, 41 (465)-сон



Тадбиркор аёл — оила таянчи

3 АЁЛЛАР ҚАНОТИ



«Микрокредитбанк»: кичик бизнесга — 202 миллиард сўм

6 ИСЛОХОТ



13-15 ёшли қизлар ҳам ана шундай гирдобга тортилмоқдалар

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Партиявий акция



СОН ЭМАС, СИФАТ УЧУН КЎРАШАЙЛИК

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» акцияси доирасида ўқув-семинар ўтказилди

Маълумки, ушбу акция доирасида ўтаётган тадбирлар мамлакатимизнинг барча туманларида ташкил этилиб, уларда партия раҳбарияти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари иштирок этмоқдалар.

4 >>>

Қарор ва ижро

ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Президентимиз Исло Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси деҳқонларимиз етиштирган пахта толасига талабнинг ошишига, уни истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда

Жаҳон бозорига ўзбек толасига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг тобора ошаётгани далаларимизда етиштирилаётган пахтани ўз вақтида, замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва ундан юқори сифатли тола олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2007 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ушбу йўналишда кенг қўлмал ишлар амалга оширилди.

3 >>>

O'zLiDeP ташаббуси билан

O'ZLIDEP VA UNING PARLAMENTDAGI FRAKSIYASI TASHABBUSI BILAN «KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINING TASHKI IKTISODIY FAOLIYATDAGI ISHTIROKINI YANADA KENGAITIRISH MASALALARI: EKSPORT VA IMPORT MUHOSABATLARI» MAVZUIDA MULOQOT TASHKIL ETILDI

Республика Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадсўф Тешабоев мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмал ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

— Жорий йилнинг 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам бу фикрлар ўз исботини топди, — деди у ўз сўзида. — Президентимиз Исло Каримовнинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари иштирок этган анжумандаги нутқи эса O'zLiDeP аъзолари томонидан соҳани янада ривожлантириш



йўлидаги дастурий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Яъни ўрта қатлам вакиллари манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида мавжуд қонунчилик базасини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш орқали уни янада такомиллаштириш, тадбиркорлар учун қўшимча имтиёз ва преференциялар тизимини мустаҳкамлашни энг долзарб вазифалар сифатида

белгилаб олди. Ана шу қатлам вакилларининг ташки иқтисодий фаолиятдаги иштирокини янада кенгайтириш масаласи ҳам O'zLiDePдан алоҳида масъулият талаб этади.

Зеро, партиянинг Сайловли платформасида нафақат экспортга маҳсулот етказиб беришни рағбатлантириш, балки етиштирилган ва қайта ишланган саноат ҳамда қишлоқ хўжали-

ги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлашга рўй беришнинг расмийлик ҳолатларига ҳам чек қўйиш бўйича фаол иш олиб бориши аниқ белгилаб олинган.

3 >>>

Муносабат

ФАОЛИЯТИМИЗ АМАЛИЙ НАТИЖА БИЛАН БЕЛГИЛАНДИ



Клара ЖУМАМУРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

БУГУН ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ЖАБҲАСИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖИ ОРҚАЛИ РАВНАҚ ТОПАЁТГАНИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КўРСАТИБ ТУРИБДИ

Президентимиз Исло Каримовнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бу фикр яна бир қарра эътироф этилиб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Хоразмда ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани, катта ютуқ ва марралар қўлга киритилаётгани мулкдорлар фаолияти билан боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Хусусан, вилоятда фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2000 йилга нисбатан 1,6 баробар ошиб, соҳанинг ялпи ҳудудий

маҳсулотдаги улуши 60,5 фоизга етган. Шу йилнинг 9 ойида яратилган 47 мингдан зиёд янги иш ўрнининг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани, иш билан банд аҳолининг 80 фоизга яқини ушбу тармоқда меҳнат қиладгани ҳам ўрта қатламнинг ижтимоий ҳаётимизда нечоғлиқ мустаҳкам ўрин эгаллаганини кўрсатиб турибди.


Аммо давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, вилоятнинг саноат соҳасидаги кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга нисбатан паст эканидан O'zLiDeP аъзолари, айниқса, жойлардаги депутатларимиз жиддий хулосалар чиқаришлари лозим.

2 >>>

Ўзбекистон матбуоти намоёиши

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси очилди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан ташкил этилди



Кўргазмада марказий ва ҳудудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат

ташкilotлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкilotлар вакиллари иштирок этди.

2 >>>

4 >>>

ШУ СОНДА:

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН 5 ТА МУҲИМ МАСАЛА СЕССИЯСИГА КИРИТИЛИБ, УЛАР ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ФАОЛИЯТИМИЗ АМАЛИЙ НАТИЖА БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Соҳада бирёклама ривожланиш, асосан энгил саноат ҳисобидан ўсиш кузатилаётгани эса бошқа соҳаларга ҳам эътибор кучайтирилишини таъкид этади. Бундан ташқари, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун зарур шароитлар старли эканига қарамай, иш-лаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш талаб этилмоқда.

нинг ўз ишига совуққонлик билан қараётганлари ҳам сабаб бўлаяпти. Минг афсуски, шу вақтгача на вилоят, на туман кенгашлари сессиясига мавжуд ҳолатлар юзасидан бирорта ҳам масала киритилмаган. Бу эса жойлардаги депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш лозимлигини англатади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда феолиятимизни тубдан кўриб чиқиб, билдирилган тавсиялардан тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг

халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги нутқида белгилаб берилган, айниқса, қишлоқларда саноат соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш вазифалари зиммамизга алоҳида масъулият юклатди.

Фермерликни ривожлантириш — давр талаби

Президентимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасида билдирилган фикрлар тадбиркор ва фермерлар манфаатини ифода этаётган O'zLiDeP зиммасида жуда катта масъулият турганини яна бир карра англатди



Нуралдин ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Ҳақиқатан ҳам, бугунга келиб қишлоқ мулкдори меҳнатта лаёқатли аҳолининг қарийб 50 фоизини иш билан таъминлаётган, юқори даромад олиш, саноатга хом ашё, халқимизга эса сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи кучга айланди. Тармоқнинг ривожланиши қишлоқ ақли турмуш даражаси ва фаровонлигини

оширишга, энг чекка ҳудудларда ҳам ишлаб чиқариш суръатларини оширишга имкон бермоқда. Хоразмлик фермерлар ҳам ана шундай заруратдан келиб чиқиб, ўз фаолиятларини изчил такомиллаштирмоқдалар. Бугун улар ўз олдларидан қишлоққа саноатни олиб кириш, ўзи яшаб турган ҳудуд қиёфасини ўзгарти-

ришга ҳисса қўиши, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашдек масъулиятли вазифа турганини яхши англамоқдалар. Бироқ бунга фақат деҳқончилик ортдан келадиган маблағ ҳисобидан амалга ошириб бўлмайди, албатта. Зеро, бунда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини бирдек ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўиш талаб этилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугун фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, агроном, саноатчи бўлиши керак. Шундагина меҳнатдан ризқ топиб, ўз атрофдагиларига наф келти-

риши мумкин. Бундай ишларни тўғри ташкил этиш, улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган ҳолда О'zLiDeP ва унинг ҳудудий кенгашлари масъул эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Негакки, Сайловолди дастуримизда партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашиш белгилаб олинган. Бу йил вилоят фермерлари 132 минг тоннадан зиёд дон, 258 минг тонналик пахта ҳосили этиштириб, шартнома шартларини ортиги билан бажарди-

лар. Ана шу маҳсулотни ҳудуднинг ўзида қайта ишловчи йирик саноат корхоналарини барпо этиш, фермер хўжаликларни қошида мини цехларни ишга тушириш эса энг долзарб вазифалардандир. Тан олиш керакки, бу жараёнда айрим ҳудудларда партияимиз фаолиятининг ташаббускорлиги талаб даражасида эмас. Ана шулардан келиб чиқиб, қишлоқ мулкдорлари орасида янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича фермерлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз, бу борадаги ишларни изчил йўлга қўишимиз лозим.



«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон матбуоти» II кўргазмаси очилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмолов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва судхуқук масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам уринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият куриши йўлида эришган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

1991 йилда мамлакатимизда фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 20 июнь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 1292 тага етди. Уларнинг олтинчи фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътиборга моликдир. Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодас турларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Юртимизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетен, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Соҳа ривожини йўлида кўрсатилаётган гамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони икки баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмалар, нашриёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ушбу мақсадимиз эса эркин ва обод Ватанга муносиб, ҳеч қандай кам бўлмаган барқамол ва билимий авлодни шакллантиришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Кўргазма доирасида ўтган форумда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситаларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада тараққий эттиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирлар доирасида «Йилнинг энг яхши ки-тоби» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон матбуоти»

«Ўзбекистон матбуоти»

«Ўзбекистон матбуоти»

Миннатдорлик

«Токи ҳаёт бор экан»

Президентимиз Ислом Каримовнинг биз — ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табригидаги «...ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмунини ва олижаноблигини, аҳамиятини ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди» деган сўзлари фаолиятимизга берилган юксак баҳо бўлди, десам муболаға бўлмайди

Несибели СЕЙТИМБЕТОВА, Нукус политехника коллежининг информатика факи муаллими, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

олдимдан ўтди. Мустақиллик шарофати билан қад ростлаган муҳташам саройда ўтказилган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартимавзуиди халқаро анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар бежиз эмаслигига яна бир карра амин бўлдим.

Шу ўринда ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб пойтахтда ўтказилган анжуманда бир ҳамкасбимиз ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни айт-

ганини таъкидламоқчиман: истиқлол, биринчи навбатда, инсоннинг қад-қимматини ўз ўрнига қўйди, ўз ишидан ифтихор туйиш туйғусини қайтариб берди. Президентимиз фармонига биноан менга юксак унвон берилганда, энг аввало, 40 йил ҳайдовчилик қилган, кечани-кеча, кундузини-кундуз демай уч ўйил ва уч қизни вояга етказган отам, 35 йил туғруқхонада оддий доя бўлиб тер тўккан онажонимни эсладим. Энг аввало, бу унвон ана шу аjoyиб инсонларга берилган мукофот эди. Айни пайтда Нукус политехника касб-

хунар коллежида 70 нафар ҳамкасбим билан бирга 694 нафар ўқувчига 9 йўналиш бўйича таълим берамиз.

Мазлумки, тараққиётта интилан ҳар қандай мамлакат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади. 15 йилдирки, жаҳонда эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширмоқдамиз. Бу оқилона дастур бугунга келиб ўз медаларини бермоқда. Бош мақсадимиз эса эркин ва обод Ватанга муносиб, ҳеч қандай кам бўлмаган барқамол ва билимий авлодни шакллантиришдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш

Бугунги кунда электр энергияси таъминоти тизими жадал ривожланаётган соҳалардан бирига айланмоқда. Айни пайтда 19 мингта ишлаб чиқариш корхонаси, 80 мингта қишлоқ хўжалиги, 17 минг коммунал ва 3,5 млн. га яқин истеъмолчи мазкур тизим фаолияти боис ўз вақтида электр энергияси билан таъминланмоқда. «ELEKTRON XISOVLAGICH» МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳам тизим фаолиятини такомиллаштиришга салмоқли улуш қўшаётган тузилмалардан бири ҳисобланади. Жами 95 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 132234 та бир ва уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида шу йил охиригача эса 180 мингта бир фазали электрон ҳисоблагични харидорларга етказиб бериш режалаштирилган.



Солиҳ ЗОИР олган сурат.

Кун тартибда кичик бизнеснинг экспорт ва импорт фаолияти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бутунги мулоқотдан мақсад мазкур масала юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни жамлашдан иборатдир. Гарчи қонунчилигимизда экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик тузилмалари учун кенг имкониятлар яратилган бўлса-да, жойларда ана шундай кафолатли имкониятлар ҳусусида маълумотларнинг етарли эмаслиги улар фаолиятини тўла ривожлантиришга халақит берапти.

Бунинг олдини олиш учун эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт фаолиятига доир имтиёз ва преференциялар ҳусусида кенг маълумотлар тарқатиш, жойлардаги фаолларимиз, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатларни бу ишга сафарбар этишимиз лозим.

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон ҳам сўзга чиқиб, ташқи бозорда харидор, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунариданок иқтисодийнинг реал секторини жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани боис бутунга келиб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, саноат маҳсулотларининг 22 ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг 98 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаяпти.

Меҳнатга яроқли аҳолининг 75 фоизи кичик бизнесда банд экани, ушбу соҳанинг экспортдаги улуши қарийб 19 фоизга етгани ҳам юқоридagi мулоҳазаларга мисол бўлиши мумкин. O'zLiDeP фаолларининг фикрича, тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини янада кенгайтириш, уларга экспорт-импорт масалаларида қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар ижросини кучайтириш лозим. Шу ўринда 2011 йили «Узстандарт» агентлиги ҳузурида Маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш бюроси ҳамда «Ўзтадбиркорекспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилганини таъкидлаш мумкин.

— Айни пайтда мазкур ташкилотлар томонидан кичик бизнес субъектларининг жаҳон бозоридида бемалол рақобатланиши учун экспорт-импорт билан боғлиқ барча масалаларда уларга профессионал хизмат кўрсатишда, — дейди Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи Дилшод Расулов. — Жорий йилнинг биринчи ярмидагина тадбиркорларимиз томонидан жами 1087,5 млн. доллар миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2011 йилнинг мос даврига нисбатан 114,1 фоизга кўндр. Агар кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган экспорт операцияларини 2000 йилга қиёсаласак, бу рақам бир-неча баробарга ошганини кўраимиз.

— Кичик бизнесни ривожлантириш жамият равнақи, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. — деди йнгилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси



Хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, саноат маҳсулотларининг 22 ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг 98 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаяпти.

азьоси Насим Алимов. — Шунинг учун ҳам юртимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий база яратилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилиб, уларга экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда алоҳида имтиёз ва преференциялар жорий қилинди. Ушбу соҳага оид муносабатлар 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ метёрий ҳужжат билан тартибга солинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Экспорт назорати тўғрисида», «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида», «Бож тарифи тўғрисида» ги қонунлар, Солиқ ҳамда Божхона кодекслари, Президен-

тимизнинг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Товарлар импортини божхона-тариф жиҳатдан бошқаришни тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармон ва қарорлари шулар жумласидандир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонига қўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий фаолият соҳасида қатор енгилликлар берилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, экспорт-импорт қонунларини вако-

латли банкларда ҳисобга олиш 8 иш соатида амалга оширилиши, юкларни божхона расмийлаштируви ва келиб чиқишини тасдиқловчи сертификатларни бериш 3 иш кунда бажарилиши, бундай ҳужжатлар маҳсулотнинг контракт бўйича тўлиқ ҳажмига бир йўла берилиши, импорт қилинадиган товарларнинг мувофиқлик сертификати 10 иш кунда тақдим этилиши соҳани янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Бироқ анжуманда ана шундай қўлайликларга қарамай, ҳали ечимини қутаётган айрим масалалар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Хусусан, маҳсулотларни қалдоқлаш, ташқи, хорижий давлатларнинг стандартлари талабларини бажариш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт амалиётларини бажаришда ўрнатилган тартиб-қоидалар тўғрисида жойларда етарлича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмапти.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизга эса бу боралда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаптилар. Мулоқотда ишбилармонлар учун яратиб берилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш юзасидан қатъий жамоатчилик ва депутатлик назорати йўлга қўйиш, ана шундай камчиликларни бартараф этиш имконини бериши алоҳида таъкидланди.



Акmalxon ОЛИМХОНОВ, «Ўзтадбиркорекспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси директори ўринбосари:

— Бутунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини 20 га яқин давлатларга экспорт қилмоқдалар. Компаниямиз ана шундай корхоналарга маҳсулотни сертификатлаш, реклама қилиш, чет эллик харидорлар билан алоқа ўрнатиш, шунингдек, товарларни экспорт шартномаси бўйича ёки хорижий мамлакатларда ташкил этилган савдо уйлари орқали сотишга қўмак берапти. Аҳамиятлиси, биз билан алоқа ўрнатган корхоналар қимматли вақт ва маблағларини тежашдан ташқари, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланадиган ходимни қидириб топиш, унга маош таъинлаш муаммоларидан ҳам халос бўладилар. Зеро, 2012 йилнинг июль ойидан бошлаб экспортбоп маҳсулот субъекти 15 та фаолият турини лицензиялашдан озод этилди. Бундан ташқари, аввал рухсатнома талаб этилган 80 дан ортиқ жараён бекор қилинди.



Афлотун НОРМУХАМЕДОВ, «Узстандарт» агентлиги ҳузуридаги Маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш бюроси етакчи мутахассиси:

— Харидор дидига мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш осон эмас, албатта. Табиийки, ана шундай маъсулиятли ишга кўл урмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари экспортга мўлжалланган товар қандай халқаро талабларга жавоб беришини билиши зарур. Агентлигимиз ҳузуридаги бюро ўз маҳсулотини четга чиқармоқчи бўлган корхоналар ва тадбиркорларга товари қандай сертификатлаш, ёрликлаш ва қадоқлаш заруриги борасида тегишли маслаҳатлар беради. Эътиборлиси, бошқа мамлакатларнинг шундай ташкилотларидан фарқли ўларок, бундай консультациялар бепул амалга оширилади.

P.S. Ушбу мавзуга бағишланган тадбирлар барча ҳудудларда ўтказилаётганини маълум қилиб, экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркор юрдошларимизга ўзларини қизиқтирган масалалар ва ечимини қутаётган айрим масалалар юзасидан O'zLiDeP вилоят кенгашларига мурожаат этишлари мумкинлигини билдириб қоламиз.

Озод РАЖАБОВ ва Шухрат ХўЖАЕВ тайёрлади.

Тадбиркор аёл — оила таянчи

O'zLiDePнинг «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» ҳамда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» номли лойиҳалари жойларда амалий натижалар бермоқда

Ўз мухбиримиз

«Аёллар қаноти»нинг жойлардаги бўлимлари энг чекка ҳудудларда ҳам партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини фаол тарғиб қилиш орқали опасингилларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга имкон даражасида ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, Фарғона вилоятида мазкур лойиҳаларда иштирок этиб, ўз бизнес-режаларини мувафққиятли ҳимоя қилган ОАТБ «Микрокредитбанк»нинг ҳудудий бўлимлари томонидан 356 млн. 750 миң сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилди.

— Дарҳақиқат, лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларимиздан кейин унда қатнашиш истагини билдирганлар сони кескин ортди. — дейди O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими мудири Гулбаҳор Турдиқуллова. — Ана шу тадбирлар доирасида аёлларимизни бизнес-режа тузишга, уни ҳимоя қилишга ўргатдик. Айни пайтда семинарларни Савдо-саноат палатаси, банк, солиқ божхона ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда давом эттираймиз.

Фарғонадаги «Дил Феруз» хусусий корхонаси раҳбари Дилафруз Умарқонова бундан икки йил аввал тикувчилик цехи очиб, болалар кийими ва кўрпа-тушак жилдлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Утган мuddат ичида тадбиркор 4 нафар хотин-қизни иш билан банд этди. Маҳалладagi 2 нафар аёлни касаначиликка жалб этди. Дилафруз ўз фаолиятини кен-



гайтириш мақсадида «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасида иштирок этиб, қандалоқчилик йўналишини ташкил этди.

Ана шу лойиҳаларнинг амалий самараларини Қорасқалпоғистонда ҳам қўриш мумкин. Бутун бу ерда ҳам оқила, ташаббускор, хунарманду тадбиркор опасингилларимиз сафи кенгайиб бормоқда. O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан лойиҳалар доирасида ўтказилган амалий учрашув ва семинарлар хотин-қизларга бизнес-режа тузиш, банкдан кредит олиш каби масалаларни ижобий ҳал этишда қўл

келяпти. Қўнғирот туманидаги «Аган» фермер ҳўжалиги тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари лойиҳасида ҳам мазкур лойиҳада қатнашиб, 24 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга мувафққ бўлди.

Бундай амалий ишлар самарасини республикамизнинг барча ҳудудларида кузатиш мумкин. Бутун бу ерда ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини самарасидир.

Сиёсий таълим

Пахтани қайта ишлаш жараёни такомиллашмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

«Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли Бўка пахта тозалаш заводида ҳам мазкур дастур асосида модернизация ишлари бажарилиди. Бу ерда барча қўлайликларга эга маъмурий ва ишлаб чиқариш иншоотлари, омборхоналар ҳамда ёрдамчи ҳўжалик объектлари қурилди.

2011 йили Бекобод тумани марказидаги Давлатчи пахта тозалаш корхонаси тумандаги «Мавлюнов» фермер ҳўжалиги ҳудудига қўчирилди. Заволнинг янги биносиди пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ишчилар учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

— Вилоятимиздаги пахта тозалаш корхоналарини таъмирлаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда, — дейди «Тошкентпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Тоғжиев. — Жумла-

дан, жорий йилнинг ўтган даврида Чиноз пахта тозалаш корхонасининг пахта толасини тойлаш қурилмаси, Алимкент, Бўка, Қорасув, Далварзин пахта тозалаш заводларининг тола ва момиқ ажратиш ускуналарини янгиланди.

Айни кунларда Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш корхонасини модернизация қилиш ишлари якунига етмоқда. Корхона цехларига синован ўтказилган пахта хомашёсини қуритиладиган, тозалайдиган, толани чигитдан ажратадиган энг замонавий қурилма ва ускуналар ўрнатилмоқда. Пахта толасини тойлаш, тойлاردан намуна олиш, уларни ўраш, тиқиш, вазнини ўлчаш ва таъмига олиш операцияларини янада сифатли бажариш имконини берадиган, автоматик тарзда бошқариладиган тизим йўлга қўйилган эди.

Модернизация давомида корхонанинг ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолари, тайёр маҳсулотлар омбори, лаборатория ва тарозихонаси таъмирланиб, замона талаблари асосида жиҳозланди. Ишчилар учун кийиниш, ювиниш, дам олиш, тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, 150 ўринли ошхона қуриб битказилди. Ёнғин хавфсизлигини таъ-

минлаш депоси ва сув тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай модернизация ишлари пахтани қайта ишлаш шарҳаражатларини камайитириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва меҳнат унвудорлигини юксалтириш, пахтадан тола олиш механизмининг такомиллаштириш имконини беради. Мисол учун, авваллари корхонада бир кеча-кундузда ўртача 30-40 тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, энди бу кўрсаткич 50-60 тоннани ташкил этиши, бунинг учун сарфланадиган электр энергияси ўтган йилларга нисбатан 15 фоизга камайиши кутилмоқда. Ўрнатилган замонавий чанготишчи мосламалари ишлаб чиқариш жараёнида чанг чиқариш даражасини кескин камайитиришга хизмат қилади.





НУКУСДА О'ZLiDeP ШАҲАР КЕНГАШИ
тизимдаги БПТларда аъзолик бадалларини тўлаш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Тадбирда БПТ раисларига ушбу йўналишда изчил мониторинг олиб бориш ва тегишли маълумотларни республика партия кенгашига ўз вақтида тақдим этиш вазифаси топширилди.



«ҲАШАРЧИ ПАХТАКОРЛАРГА ЕЛҚАДОШ БЎЛАЙЛИК!»
— Касби туманидаги «Турон» фермер хўжалиги қошидаги БПТ ташаббуси билан ана шундай пиор остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Учрашув якунида илор теримчилар рағбатлантирилиб, таниқли санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.



О'ZLiDeP КОГОН ШАҲАР КЕНГАШИДА
«O'zLiDePнинг жамиятин ривожлантиришдаги роли ва ўрни» мавзусида дара суҳбати ташкил этилиб, унда партиянинг голий-сиёсий ишларини кучайтириш юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

41 (465)-сон

e-mail: axhorotXXtasr@yahoo.com, web sayt: www.21uzr.uz

2012 йил

11

октябрь,
пайшанба

Етакчилик масъулиятини ким қандай ҳис этаяпти?

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг БПТлар билан ишлаш сектори мудири Дилшод Мирзаевнинг таъкидлашича, Ховос, Оқолтин, Музробод, Ангар, Учқудук ва Нурота туман кенгашининг бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорлиги бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти

— Дилшод Ортиқович, маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари асосан унинг кўйи бўғинлари орқали амалга оширилади. О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Ҳўш, жойлардаги бошланғич ташкилотлар ана шу масъулиятни бугун тўла ҳис этаяптиларми? Умуман, ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда партиянинг ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини қониқарли баҳолаш мумкинми?

— Бошланғич ташкилотлар фаолияти бошқа партиялар қатори О'zLiDeP учун ҳам мақсад ва вазифалар ижроси ҳамда электрот манфаати кесишадиган асосий нуқта ҳисобланади. Қолаверса, бу тузилма зиммасига Сайловдиди дастуриимизни ҳаётга татбиқ этиш ва электрот билан ишлаш вазифаси юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда О'zLiDeP ана шу бўғин фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бормоқда.

Хусусан, бир йилдан буён «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятни такомиллаштириш» номи махсус акция ўтказилиб, унда ҳудудий бўлимлар ҳамда БПТлар аъзолари иштирокида аниқ мавзуларда учрашув ва йиғилишлар ўтказилаяпти. Агар 2012 йилнинг ўтган даврида БПТлар ташаббуси билан 10742 та тадбир ташкил этилган бўлса, уларда 145 мингдан ортиқ аъзоларимиз иштирок этидилар. Энг муҳими ана шу тадбирлар давомида аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, ташаббускор, етакчилик қобилиятига эга ва масъулиятли кадрлар талланиб, кадрлар захирасига олинди.

Шунингдек, акция доирасида Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгаши депутатлари БПТларга бириктирилиб, уларга электрот билан доимий алоқа ўрнатиш, кўйи бўғинлар фаолиятига халал бераётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, БПТларга хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатлари юзасидан юқори партия ташкилотини ҳамда ўзини бириктирилган депутатга доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб бориш вазифаси топширилди.

Бундай ноанъанавий ёндашув натижалари фаолиятимизни бир мунча жонлантирди, дея оламиз. Масалан, Иштихон туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич ташкилот аъзолари ҳудуддаги газ муаммосини ижобий ҳал этиш учун туман кенгаши депутати О.Тошматовга мурожаат этидилар. Орадан кўп ўтмай, БПТ аъзолари кўтариб чиққан масала бўйича 1 км. 700 метр масофага газ қувури тортилиб, муаммо ижобий ҳал этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани «Қазанкеткен» шаҳарча фуқаролар йиғини қошидаги БПТ аъзолари таклифи эса О'zLiDeP Кегейли туман кенгашидаги депутатлик гуруҳида кўриб чиқилгач, Халқ банки туман филиали раҳбариятига депутатлик сўрови юборилди.



Депутатлар, БПТ раислари ва партия фаоллари иштирокидаги депутатлик гуруҳи йиғилишида ушбу сўров натижаси муҳокама қилиниб, «Қазанкеткен» шаҳарчаси фуқароларидан А.Ниязимбетовага 1,5 млн., Р.Жуманазаровага 2 млн., Т.Мухтаровга 1,5 млн., М.Отебековга 1,5 млн. ва А.Алиевага 2 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш имконияти яратилди. Қувонарлиси шундаки, ёш оилалар бу маблағни ўз бизнесларини йўлга қўйиш ва керакли ҳудудлар сотиб олишга сарфладилар. Бундай мисоллар бир қарашда арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо ана шундай «арзимас» масалалар баъзан ёш тадбиркорлар, жойлардаги электротимиз аъзолари ҳаёти билан боғлиқ эканини эътиборга оласак, партиявий ёндашув тўғри эканини англаб етамиз.

Умуман олганда, мазкур чора-тадбирлар самараси ўлароқ, БПТлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 тага кўпайган бўлса, партия сафига 10 мингдан ортиқ янги аъзолар қўшилди. Шунингдек, акция доирасида минтақавий ўқув-семинарлар ўтказилиб, уларда 10 мингдан зиёд партия фаоллари иштирок этидилар.

— Ютуқлар ва юқориди тилга олинган натижалардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо тахририятдаги маълумотларда айрим ҳудудларда камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам қайд этилмоқда. Шу хусусда қандай фикрласиз?

— Ҳақиқатан ҳам, таҳлилларимиз айрим БПТлар фаолияти тизимли йўлга қўйилмаганини, айрим ҳудудий кенгашлар билан ишлаш қониқарсиз эканини ҳам кўрсатаяпти. Мана, масалан, қатор ҳудудларимизда бошланғич ташкилот етакчиси бошқа ишга ўтиб кетиши натижасида БПТ фаолияти суस्ताшиб қолниши кузатилаяпти. Бу эса БПТлар бўйича доимий мониторинг тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этиши шубҳасиз.

Шунингдек, баъзи БПТ раисларининг аҳоли мурожаати ва муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни партиявий усул ва воситалар ёрдамида ҳал этиш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги ҳам фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айрим БПТларда эса турли аҳоли қатлами вакилларини

партия сафига жалб этиш жараёни оқсатгани туфайли, жойларда ўсиш кўрсаткичлари паст даражада қолмоқда. Бошқа бир ҳудудларда БПТлар ишлаяпти. Аммо улар фаолияти кўзга ташланмаяпти. Бунга, шубҳасиз, туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарларининг эътиборсизлиги, БПТлар билан алоқа ўрнатилмагани сабаб бўлаяпти.

Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Навоий вилоят партия кенгашлари тизимидаги БПТлар фаолиятида ана шундай камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Айниқса, Ховос, Оқолтин, Музробод, Ангар, Учқудук ҳамда Нурота туман кенгашларининг БПТларга муносабатини қониқарли, деб бўлмайди.

Ушбу ҳудудлардаги БПТларнинг 2011 ва 2012 йилдаги фаолияти ўрганилганда, сиёсий партиявий ва маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, партия гоё ва мақсадлари, дастурий вазифаларини кенг тарғиб этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

— Бундай камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилкоқда?

— Айрим ҳудудлардаги партия фаолларининг юқоридегидек муносабатига бефарқ қараб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам БПТ аъзоларининг, айниқса, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Бунда «Сиёсий таълим марказ»лари имкониятларидан кенг фойдаланаямиз. Зеро, ишни ташкил этиш, юқори партия ташкилотлари талабларини бажариш учун партиявий тажриба билан бир қаторда сиёсий билимларнинг ҳам тўқис бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бу боралда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан қабул

«О'zLiDePнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш Концепцияси» қўл келаяпти. Айнан ушбу ҳужжат БПТлар фаолиятини янги босқичга кўтариб, партиянинг мақсад ва вазифаларини жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тарғиб қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

Мазкур Концепцияга асосан БПТлардаги ишчан раҳбарларни қўллаб-қувватлаш, ташаббускор ва инновацион гоёларга эга, партия фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган фаолларни излаш ва уларни партиявий фаолиятга жалб этиш талаб этилмоқда.

Бундан қўзланган асосий мақсад — БПТларни партиянинг кучли кўйи бўғинига айлантиришдир. Бу эса пировардида сайловчилар билан партия алоқаларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кундаги асосий вазифамиз БПТлар мисолида партиянинг мустаҳкам асосини такомиллаштиришдир. Бошқача айтсак, БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир этиб, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилишига қўмаклашиши зарур. Улар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик учун кафолатларни таъминлашда О'zLiDeP ва электрот ўртасидаги мустаҳкам ҳуқуқий вазифасини ўтамоғи лозим. Шундагина О'zLiDeP истикболда ҳам етакчи сиёсий куч бўлиб қолавереди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, «XXI ASR»

ТАРҒИБОТ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА


Пахта йиғим-терими мавсумида фермер хўжаликлари қошидаги бошланғич ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Фарғона вилоятининг Кува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги ҳам бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Натижада 349,4 гектар ер майдонининг 54,7 гектарига «Анджон-35» навли чигит қадаган хўжалик аъзолари 18 иш кунда шартномавий режани ортиғи билан уддаладилар. — Бугунги муваффақиятда БПТ аъзоларининг ташаббускорлиги яққол сезилди, — дейди О'zLiDeP Кува туман кенгаши консультанти Оминахон Олимова. — Қолаверса, БПТ аъзолари йиғим-терим даврида маданий тадбирлар уюштириб, О'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини ҳам кенг тарғиб қилдилар.

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

О'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс марказида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» мавзусида учрашув ўтказилди.

Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган учрашувда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Термиз шаҳар ўқув-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти корхонаси бошланғич партия ташкилоти фаоллари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вилоят бошқаруви ҳамда вилоят кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этидилар. Тадбирда О'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши раиси, Термиз шаҳридаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Холтожи Эргашев, О'zLiDeP шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Гулноза Бобоқулова, вилоят кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс маркази услубият бўлими мудири Фотима Қодирова, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Термиз шаҳар ўқув-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти корхонаси бошланғич партия ташкилоти фаоли Жума Чоршанбиевлар сўзга чиқиб, Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва бурчлар тўғрисида атрофлича сўз юритдилар. Мустақил юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти, бозор муносабатларига асосланган иқтисодийetni барпо этиш, халқимизнинг обод ва озод ҳаётини таъминлаш, халқро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва тинч, осойишта турмуш кечиришда Конституциямиз мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Партия кўйи тузилмалари ташаббуси билан вилоятнинг бошқа туманларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллик байрамига бағишланган туркум тадбирлар ўтказилмоқда.



Фарход ТОШБОЕВ тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб О'zLiDeP «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда партия дастурида назарда тутилган устувор вазифалар доирасида «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар танлови» ўтказишини маълум қилади.

Танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базасини чуқурлаштиришга оид дастурий мақсад ва вазифаларни муҳокама этиш, партия кадрлар захирасига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Танловда 35 ёшгача бўлган, турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар ва тадқиқотчи олимлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларига қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлари билан қатнашиш таклиф этилади:

- I. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.
- II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида.
- III. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийetni либераллаштириш соҳасида.

Танлов голибларига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қуйидаги мукофотлар ажратилган.

- 1-ўрин учун — ноутбук;
- 2-ўрин учун — компьютер;
- 3-ўрин учун — нетбук.

Бундан ташқари, О'zLiDeP томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни WWW.uzlidep.uz сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида
2013 йил учун
XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА

бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



Куллик гирдоби

Оммавий ахборот воситаларида қайд этилишича, дунё миқёсида мажбурий меҳнатга жалб қилинаётганларнинг 55 фоизини, «жинсий эксплуатация» қурбонларининг эса 98 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Жабрланувчи хотин-қизларнинг ўртача ёши 18-24 ни ташкил этса-да, баъзи ҳолларда 13-15 ёшли қизлар ҳам куллик гирдобига тортилмоқда

Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ

Маълумки, глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига ҳам муҳтасиди ўзгаришлар киритаётди. Дунё сиёсий манзарасига назар ташлаб, халқаро хавфсизликни таъминлаш тизими ноъанавий янги таҳдидлар ва янгидан-янгидан муаммолар билан тўқнаш келаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Афсуски, глобал миқёсдаги тангликлар ҳақида сўз борганида динлараро, миллатлараро низолар ва тўқнашуларни, информацион-кибер терроризм, ноқонуний куллик ва гирдоблар билан савдоси, одам савдоси каби таҳдид ва хавфларни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, бугунги келиб, одам савдоси муаммоси жаҳон сиёсий амалиётидаги энг оммабоп мавзулардан бирига айланиб қолганига шубҳа қолмади. Чунки кулликнинг замонавий кўриниши кейинги пайтларда сайёрамиз миқёсида мисли қўрилмаган даражада тус олди.

Таъкидлаш жоиз: айтилган пайтда дунё ҳамжамияти АҚШнинг 16-президенти Авраам Линкольн томонидан қўрилган озод қилинишни таъминлаган ҳужжат — Прокламациянинг қабул қилинганига 150 йил тўлишини нишонламоқда. Мазкур воқеадан сўнг уч йил ўтган — 1865 йилда ана шу ҳужжат АҚШ Конгресси томонидан қабул қилиниб, Конституцияга киритилган 13-Узгартиришни ратификация қилди. Унга Линкольннинг «АҚШда, шунингдек, мамлакат тасарруфига кирувчи барча хулуларда куллик ҳамда ўз хоҳишига зид равишда бирова кизмат қилиш ҳоллари қўрилмаслиги керак», деган мурожаати ҳам илова қилинган эди.

Кўп ўтмай, бошқа давлатларда ҳам кулликни бекор қилиш тўғрисидаги қонуний қабул қилина бошланди.

Аммо шунга қарамай, кейинги йилларда қайд этилаётган далиллар сайёрамизнинг турли нуқталарида кўплаб эркак аёллар ҳамда ёш болаларнинг одам савдоси қурбонига айланиётганини кўрсатмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига қараганда, 2012 йилнинг июнь ойигача, дунёнинг турли мамлакатларида жами 20,9 млн. киши одам савдоси қурбонига айланиб қолган. 2005 йилда бу кўрсаткич 12,3 млн. кишини ташкил этган. Бироқ айрим экспертлар бу рақам-

ларни денгиздан томчи, дея баҳоламоқдалар. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сайёрамиз бўйича 200 миллиондан кўпроқ одам замонавий куллик қурбонига айланган. Албатта, қай бир далил ва рақамлар тўғрисида эканини айтиш қийин. Чунки одатда трафик қурбонларининг аксарияти ўз жони ёки яқин қариндошларининг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигидан қўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайди. XVI асрдан то XIX аср бошларигача биргина Африка қитъасидан океанorti мамлакатига 12 млн. дан зиёд «тирик товар» олиб кетилгани ва ҳозир бир йиллик кўрсаткичларнинг тўғрисида рақамлардан охиб кетаётгани ҳам бу муаммонинг нақадар долзарб эканидан далolat бераётди.

Бундан ташқари, меҳнат муҳожирлари сонининг ошиб бораётгани ҳисобига ҳам жиноятнинг бу тури ер кўрасини қамраб олаётди. Бир сўз билан айтганда, дунё харитасида одамларни ёллаш, трафик қурбонларини транзит қилиш ва етказиш жараёнларига жалб этилмаган давлатлар қолмади ҳисоб. Айрим маълумотларда камида 116 мамлакатда одам савдосининг у ёки бу шакли мавжудлиги тилга олинади.

Маълумки, одам савдоси инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қўл бўлишига маҳкум этади, умрига зомин бўлади, эрки, тақдир ва келажагини оёқости қилади. Ана шундай жиҳатлари билан ҳам у энг оғир ва жабрланувчи жиноят саналмоқда. Бу жиноят кўпинча инсонларни камситиш, улардан эркинликларини поймол этган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қўл сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишабозликда фойдаланиш каби шаклларда ҳам учрамоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одам савдоси XXI асрда инсоният келажагига таҳдид солаётган энг жиддий муаммо бўлиб, молиявий таъназул давом этаётган ҳозирги кунда унинг қўлими янада кенгайиши кўтилмоқда. Бу муаммонини ўрганиш бўйича 155 та мамлакатда ўтказилган кузатувлар ҳам ана шу фикрни тасдиқлаётди. Айрим манбаларда жиноятчиларнинг одам савдосидан олаётган даромади 7-9 миллиард АҚШ доллари атрофида баҳоланса, бошқа бир манбаларда одам савдоси халқаро миқёсдаги жиний гуруҳларга йилга 32 миллиард АҚШ доллари атро-

фида даромад келтираётгани таъкидланаётди. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳуқуқий саводхонлик даражаси паст, оғир моддий аҳволдаги, ишсизлик ҳуқуқи сураётган, аёллар ҳуқуқи камситилган мамлакатлар нисбатан кўпроқ ана шу муаммога дучор бўлаётдилар. Аммо АҚШнинг ўзида 50 мингдан зиёд хотин-қизларнинг кулликка сотилиши муаммо ечими бир ёки бир неча давлат иштирокида эмаслигини ҳам кўрсатмоқда.

Кул савдогарларининг тўрига илинаётган балоғат ёшига етмаган қизлар эса кўпроқ Исроил, Туркия, Италия, Япония, Германия ва Греция давлатларига «экспорт» қилинаётди. Ҳар йили 1 миллиондан зиёд балоғат ёшига етмаган қизлар сотилиб, жирканч ишлар билан шуғулланиш ҳамда турли фильмларнинг очик сахналарида суратга тушишга мажбурланмоқдалар.

Ушбу қабих жиноят болаларни ҳам ўз домига тартаётгани энг даҳшатли ҳодиса, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Асосан кичик ёшдаги норасидларнинг соғлом тана қисмлари пуланса, қўлида куллик бўлиб оладиган 300 мингта яқин гўлак минтақалардаги қайноқ нуқталарда аскар сифатида жанг қилишга мажбур бўлмоқда. Мисол тариқасида, Халқаро жиний судининг 2012 йил мартдаги қарорига кўра, 2002-2003 йилларда Конго Демократик Республикасининг шарқий қисмида қўрилган тўқнашулар олиб борилган пайтда 15 ёшга тўлмаган болаларни ҳам ҳарбий хизматга чақирган ҳарбий қўмондон Томас Лубангуни умрбод озодликдан маҳрум этилганини айтиб ўтиш мумкин.

Шу ўринда инсон ақлига сиғира олмаган оғир юмушлар ҳам ана шу куллик томонидан бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўмир конларида, машина эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш корхоналарида, соғлиқ учун зарарли барча юмушларда улар меҳнати энг арзон меҳнат сифатида баҳоланаётди. Ҳатто ана шундай эрки заңжирдан кулларни қўғиллик ҳам ундаб, шу йўл орқали мўмай даромад олиноқда.

Ўз навбатида, бугунга келиб жаҳон ҳамжамиятини дунё океанида сузиб юрган минглаб балиқчи кемаларида мажбурий меҳнатга жалб қилинаётган жабрдийдаларнинг тақдирлари ҳам тавшишга солаётганини айтиш жоиз. Зеро, Янги Зеландия ҳукумати тақлифи билан Халқаро



меҳнат ташкилоти томонидан 2012 йилнинг мартда ўтказилган текширувлар шунини кўрсатдики, асосан Индонезияга қарашли балиқчи кемаларда ёлланган «денгизчи»ларга киргоққа чиқишни таққилаб қўйиш, бир кунда 18 соат ва ундан ортқ вақт давомида беаёв эксплуатация қилиш, ҳар хил қийноқларга солиш ҳолатлари аниқланган.

Яна бир ачинарли томони шундаки, аксарият ҳолларда аёлларни шахвоний мақсадларда эксплуатация қилиш тўбора авж олаётди. Ҳисоботларда айтилишича, айтилган пайтда мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг 55 фоизини, «жинсий эксплуатация» қурбонларининг эса 98 фоизини хотин-қизлар ташкил қилмоқда. Жабрланувчи аёлларнинг ёши ўрта ҳисобда 18-24 ни ташкил этса-да, баъзи ҳолларда 13-15 ёшли қизлар ҳам ана шундай гирдобга тортилмоқдалар.

Ушбу «тизим»нинг яна бир кенг тарқалган усули танишув фирмалари бўлиб, улар аёлларга хорижликлар билан никоҳдан ўтишга ёрдам беришни ваъда қиладилар. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, биргина Россиянинг ўзида йилга ўртача 160 мингдан ортқ аёл маккорларнинг ана шундай алдонига учмоқда. Интерполнинг одам савдоси бўйича департаменти раҳбари Хэмил Маккаллох эса жиноятчилар ўйлаб топган қайғули манзарани шун-

дай ифодаляди.

— Кўпинча аёлларга Германия, Франция ёки Буюк Британияда кунга 100-200 евродан пул тўланиши ваъда қилинади. Аслида ҳам шундай. Аммо аёл бу пулни кўрмайди. Чунки белгиланган мамлакатга келиши билан унинг паспорти олиб қўйилади. Агар у жиноятчилар шартига кўнмаса, очлиқ, молиявий қийинчиликка дучор этилади ёки қамоқхонага тушади. Натижада уларнинг айримлари кунга ўнлаб мажбурий хизмат кўрсатишга мажбур бўладилар. Бу билан иш ниҳоясига етмайди. Жиноятчи ўша аёлни олиб келиш учун сарфланган маблағини 2-3 баробар миқдорда чиқариб олганидан сўнг бошқа қулдорга сотади...

Маълумки, одам савдосини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири «бозор механизми», яъни талаб ва таклифнинг мавжудлиги бўлиб, у жиноятчиларнинг алоҳида сабаби сифатида баҳоланаётди. Хусусан, ҳозирги кунда ушбу жиноят жабрланувчиларини қабул қилувчи мамлакатларда шахвоний хизматларга талаб юқори бўлиб, оқибатда фоҳишалikka мўлжалланган аёлларни ёллашга эҳтиёж тўбора ортқ бормоқда.

БМТнинг қўл савдоси қурбонлари олиб чиқиладиган давлатлар рўйхатида Россия, Украина, Таиланд, Норвегия, Молдавия, Руминия, Албания, Хитой, Беларусь ва Болгария олдинги ўринларда ту-

ради. Эътиборли томони — бу давлатларнинг қўпчилиги бугунги кунда қашшоқ эмас. Бу рўйхатга Германия, АҚШ, Италия, Голландия, Япония, Греция ва Австралиянинг ҳам киргани эса янада ҳайратланарлидир. Марказий ва Шарқий Европа ҳамда собиқ иттифоқнинг айрим мамлакатлари ҳам «қўнра қитъа»ни «тирик товар» билан таъминловчи асосий давлатлар қаторидан ўрин олган.

Чегара билмас ушбу глобал муаммодан бизнинг фуқароларимиз ҳам жабр кўраётганлари сир эмас. Шу боис даврнинг ўзи бундай қабих жиноятга қўл ураётганларни аниқлаш ва жиний жавобгарликка тортиш, одам савдосининг пайини қирқилишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, фуқароларни бу балождан ҳимоялаш ва оғоҳ этиш учун кескин чоралар қўришни талаб қилмоқда.

Бу — қизиқ!

УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР ОРОЛИ

Маълум бўлишича, Филиппин денгизидagi Японияга қарашли Окинава оролида 100 ёшни қоралаган қарийб 500 нафар қария ашайди. Таъкидлаш жоиз: бу нисбат, яъни 100 минг кишига 35 нафар узоқ умр кўрувчининг тўғри келиши дунёдаги энг юқори кўрсаткичдир. Энг муҳими, оролининг ёши улуглари бир аср умр кўрган бўлсалар-да, ўзларини анча ёш ҳис қиладилар. Зеро, бу ерга таршиф буюрган киши оролининг ҳар ерида 100 ёшдан ошган, бироқ нафақага чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган, мотороллер ёки велосипедни дадил бошқариб бораётган, юғриш, шарқ яккакурашлари ёки рақс тўғарақларига қатнаб юрган, шунингдек, томоғида ишлаётган боболару момоларга кўзи тушади. Яқинда эса окинавалик 96 яшар Сайичи Ухара ўзига хос бокс беллашувда мамлакат собик чемпиони, 30 ёшли боксчини мағлубиятга учратганига нима дейсиз? Тахминларга кўра, маҳаллий аҳолининг бу даражада узоқ умр кўришига оролининг кальций ионларига бой бўлоқ сувлари ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, олимлар қариялар бундай натижаларга соғлом турмуш тарзи, хусусан, овқатланиш ва жисмоний оқламаларни тўғри тақсимлаш қондаларига риоя қилишлари туфайли эришаётганларини таъкидламоқдалар.

ҲАЯЖОННИ БОСИШ УСУЛЛАРИ

Британиялик олимлар руҳий зарбаларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлини топдилар. Сир эмас, қаттиқ ҳаяжонланган ёки руҳан эзилган инсон қонидан адреналин ажралиб чиқади. Руҳий зарбага дучор бўлган киши бақариб ёки жисмоний куч ишлатиб (айтайлик, югуриб ёхуд столга зарба бериб) қондаги ана шу гармонларни ишлатиб юбормаса, улар инсоннинг асаб тизимига салбий таъсир қилиб, организмнинг меърида ишлашига тўсқинлик қилади. Руҳшуносларнинг фикрича, турли йўллар билан орттирилган стрессдан буткул қутулиб бўлмаса-да, зарбани енгилаштиришнинг имкони кўп. Хусусан, Сассекс Университети психологлари ҳаяжонни босиш бўйича ўтказилган тадқиқот давомида иштирокчиларга адреналиндан қутулишнинг бир неча усулини тақлиф қилдилар. Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, мусика эшитиш орқали киши руҳий ҳаяжон даражасини ўртача 61 фоизга пасайтириши мумкин экан. Ўз навбатида, олимларнинг таъкидлашича, бир пиёла қаҳва ана шундай стрессни 54 фоизга юмшатади, бироқ нарсдан асабийлашган одам ҳавода сайр қилиб руҳий аҳволини 42 фоизга, видеоўйинлар ёрдамида эса 21 фоизга қисқартириши мумкин. Аҳамиятлиси, тадқиқотлар давомида бу борада энг яхши таъсир этувчи восита — мутолаа экани аниқланган. Энг қизиғи, юракнинг бир меърада уриши ҳамда таранглашган асаб толаларининг бўшагини таъминлаш учун бор-йўғи 6 дақиқа китоб ўқиш етарли экан. Мазкур тадқиқотлар муаллифи Дэвид Льюиснинг таъкидлашича, яхши натижага эришиш учун китобxon асар ичига «кириб кетиши», яъни қахрамонлар муаммоларини ечиш билан банд бўлиши, ўзини қийнаётган нарсаларни эса буткул эсдан чиқариши керак.



2013 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



Осиё чемпионлари муносиб тақдирланади

Ўзбекистон Футбол федерациясида мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасининг Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритган ажойиб ғалабасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди



Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Тадбирда иштирок этган терма жамоа бош мураббийи Дилшод Нуралиев чемпионатдаги муваффақият учун шогирдларига миннатдорлик билдирар экан, мусобақа таассуротлари ва келгуси режалар ҳақида гапириб берди.

— Олдимизга ярим финалга чиқиш, шу билан бирга келаси йил бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритиш вазифаси қўйилганди, — деди Д.Нуралиев. — Ана шу мақсадга эришганимизга қадар шогирдларим катта босим остида тўп суришга мажбур бўлдилар. Биринчи галдаги вазифа удаланганидан сўнг йигитлар анча хотиржам ҳара-

кат қила бошладилар. На-тижалар ҳам шунга яраша бўлди.

Эслайтиб ўтиш лозим: чорак финалда Жанубий Корея (асосий вақтда 1:1, пенальтилар сериясида 5:3), ярим финалда Эрон термасини 3:2 ҳисобда енгган ҳамюртларимиз финал учрашувида Японияни (1:1, пенальтилар бўйича — 3:1) мағлуб этишга муваффақ бўлдилар.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан ЎФФ Терма жамоалар маркази директори Асқар Толибжонов жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритган ёш футболчиларимиз учун бир қатор ўқув йиғинлари ва ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш режаси ишлаб чиқилганини маълум қилди.

— Таъкиллаш жоизки, 2013 йил БААда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичида футболчиларимиз Европа, Африка ва Америка жамоаларига рақиблик қилишади. Шундан келиб чиқиб, келаси йилнинг январь ва февраль ойларида бўлиб ўтадиган йигитлар давомида Африка ва Европа терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувлари ўтказишни мақсад қилиб қўйдик.

Ўз навбатида, А.Толибжонов яқин кунларда «Эрон-2012» голлибларини муносиб тақдирлаш маросими ўтказилишини, мазкур тадбирда ёш футболчиларимизнинг ота-оналарини ҳам мукофотлаш режалаштирилётганини маълум қилди.

«Жаҳон чемпионати - 2012»

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ПЕШҚАДАМ

Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси «В» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланган ҳамюртларимиз иккинчи турда Япония футболчилари дарвозасига жавобсиз еттига тўп киритди, учинчи турда Либерияни 8:2 ҳисобда енгди.

Гуруҳ босқичидаги уч учрашувда тўққиз очко жамғарган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси навбатдаги учрашувларни Англия ва Украина футболчиларига қарши ўтказди. Мусобақа қоридасига кўра, ҳар икки гуруҳдан иккитадан терма жамоа ярим финалга йўланма олади. (УзА).

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар касб-хунарга ўқитиш маркази ошхонасини ишлатиш учун тендер танлови эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Сирғали тумани, 8 даха, тел: (+99871) 251-34-42, 251-30-24, 251-20-31.

МАСЛО

«ПРИБАЛТИЙСКОЕ» МОЛОЧНО-РАСТИТЕЛЬНОЕ

ООО «БОСИТХО-ЖА-ОТА»
Тел: +998 99 126-47-80

Реклама

НОВО-ПАССИТ

Табиий тинчлантирувчи восита

МЫ ДЕЛАЕМ ЗДОРОВЬЕ ДОСТУПНЫМ ВО ВСЕМ МИРЕ

ХАЕТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ!

Йодомарин®

Калий йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Сотряхив Йодомарин® 100 мг дозиринг қилиш ёсоқда 131 мг йод (соддиқлиги 100 мг йод). Йодомарин® 200 мг дозиринг қилиш ёсоқда 262 мг йод (соддиқлиги 200 мг йод).

Йодомарин® 100 мг дозиринг қилиш ёсоқда 131 мг йод (соддиқлиги 100 мг йод). Йодомарин® 200 мг дозиринг қилиш ёсоқда 262 мг йод (соддиқлиги 200 мг йод).

БЕРЛИН - ХЕМИЕ МЕНАРИН